

# «ГУРЛАН»

## АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳамкорлар ва барча ҳамюртларимизни
янгиланиш ва яшариш байрами
Наврўзи Олам билан самимий
муборакбод этади.

Ватанимиз ҳамиша гуллаб яшнаши,
янада фаровон ва обод бўлишини
истайди.



**Шунингдек, Наврўз айёми муносабати билан «Гурлан» акционерлик жамияти «GURTEKS» савдо белгиси билан бежирим тайёр трикотаж маҳсулотларининг янги коллекциясини сотувга чиқарганлигини маълум қилади.**

3903



SQB

## ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

## АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА БИЛДИРИШ.

***Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки кенгаши маълум қиладики, Тошкент ш., Хоразм кўч., 6-уйда жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАК (собиқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги) биносида 2001 йил 20 апрел соат 11.00 да банк акциядорларининг умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилади.***

**Акциядорлар ва вакиллар соат 10.00 дан бошлаб рўйхатдан ўтказиладилар.**

## КУН ТАРТИБИ:

1. *«Банкнинг 2000 йилги иш якунлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида» йиллик ҳисобот.*
2. *Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
3. *Банкнинг низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.*
4. *Банкнинг 2001 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия балансини тасдиқлаш.*
5. *Банкнинг 2000 йилги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.*
6. *2000 йил учун фойда ва дивидендлар миқдорининг тақсимланиши.*
7. *Банк зарарларини тасдиқлаш.*
8. *Банк кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш.*
9. *Банкнинг 2001 йил учун ташқи аудиторини тасдиқлаш.*
10. *Бошқа масалалар.*

***Йиғилишда 2001 йил 1 март ҳолатига кўра акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга.***
***Барча акциядорлар ва вакилларни банк акциядорлар йиғилишида қатнашиш учун ўзлари билан паспорт ва ишончномаларни олиб келишларини сўраймиз.***

*Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки кенгаши.*

3902



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОГИРОНЛАРНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА КАСБ БЎЙИЧА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

### ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Ташкилий-услубий таҳлил ва прогнозлаш бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-**1 ўрин;***
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-**2 ўрин;***
*лаборант - **1 ўрин.***
2. **Психологик реабилитация ва ногиронларни касбга йўналтириш бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-**1 ўрин;***
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-**2 ўрин;***
*лаборант - **1 ўрин.***
3. **Асаб касалликлари ногиронлари реабилитацияси бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктор ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) - **1 ўрин;***
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз)-**3 ўрин;***
*лаборант - **1 ўрин.***
4. **Ички касалликлари ногиронлари реабилитацияси бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) - **1 ўрин;***
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) -**3 ўрин;***
*лаборант - **1 ўрин.***
5. **Жарроҳлик касалликлари ногиронлари реабилитацияси бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) - **1 ўрин;***
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) -**3 ўрин;***
*лаборант - **1 ўрин.***
6. **Тиббий - ижтимоий экспертиза бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) -**2 ўрин** (терапевт ва невропатолог);*
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) -**3 ўрин** (жарроҳ, невропатолог, терапевт).*
7. **Функционал диагностика ва тестлаш бўлимига:**
*бўлим раҳбари (тиббиёт фанлари доктори ёки номзоди);*
*катта илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) -1 ўрин;*
*кичик илмий ходим (тиббиёт фанлари номзоди ёки даражасиз) -2 ўрин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар 1 ой давомида қабул қилинади:**

***марказ бош директори номига ариза, шахсий варақа, таржимаи ҳол, тавсифнома, илмий ишлар рўйхати (3.3 шаклида), фотосурат (4х5) - 4 дона, диплом нусхаси, илмий унвон ва даражаси тўғрисидаги диплом нусхаси, паспорт, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.***

**Манзилимиз: 700052, Тошкент шаҳри, Раим Солиев, кўчаси, 5-«А»-уй.**

3906

# Ер юзида

**воқеалар**
**рақамлар**
**тафсилотлар**



### Гусинскийни нима кутмоқда? Бородинни-чи?

Шу кунларда ушбу савол кўпчиликни қизиқтирмоқда. Хабарларга қараганда, куни кеча «Медиа-Мост» холдинг компанияси етакчиси В.Гусинскийни Сотограддаги ҳашаматли вилласидан яна сўроқ камерасига олиб келишган. Йирик ҳажмдаги маблағни ўзлаштирганликда айбланаётган «Медиа-Мост» раҳбарининг жиноий иши бугун яна Испанияда кўриб чиқилади. Ҳозирча В.Гусинский ушбу хатти-ҳаракатларни сиёсий ўйин дея баҳоламоқда. Унинг яна бир ҳамюрти, Россия ва Беллорусия Иттифоқи Давлат котиби П.Бородиннинг аҳволи эса ундан-да аянчли. Унга Швейцария банклари орқали катта миқдордаги маблағни ўзлаштирганлик айби қўйилган. 13 март куни Нью-Йоркда ҳибсда ушлаб турилган. П.Бородин инфаркт касаллигига чалинганлиги айтилган эди. Айни пайтда у ҳибсдан озод этилиб, касалхонага ётқизилди.

### Вице-президентга йўл очилмоқда

Бир неча кундирки, Индонезия пойтахтида талабаларнинг оммавий намойиши давом этмоқда. Президент саройи




яқинига тўпланган минглаб талаба мамлакат раҳбари Абдураҳмон Воҳид истеъфога чиқишини талаб қилаётир. Бироқ Индонезия президенти кеча яна бир бор ўз курсисини тарк этмаслигини таъкидлади. Айни пайтда А.Воҳид параламентнинг ёрдамидан тўла маҳрум бўлган. Бу эса мамлакат вице-президенти Мегавати Сукарнопутрига давлат раҳбари бўлиш учун яхши имконият яратмоқда.

### Малика жарима тўлади



Буюк Британия қироличаси Елизаветта Иккинчининг қизи малика Анна ўз машинасида тезликни меъёридан оширганлиги учун яна жарима тўлашга мажбур бўлди. Маълумки, малика Анна бундан бир муддат олдин ҳам ана шундай қонун бузарликка йўл қўйган эди. Гарчи малика учун 400 фунт (600 АҚШ доллари) арзимаган тўлов бўлса-да, бироқ бу ҳол инглизларнинг Қиролича оиласига бўлган ҳурматига соя ташлайди, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Чунки, инглизлар азалий таомилларга садоқати ва ўз тождорларига меҳр-муҳаббати билан шуҳрат қозонган.

### Собиқ раҳбар ҳайратда



Америка махсус хизмат ходимларининг кеча тарқатган хабарларига қараганда, АҚШнинг собиқ президенти Б. Клинтон билан Моника хоним ўртасидаги ишқий саргузаштларни Москва расмийлари рус разведкаси орқали Оқ уй мулозимларидан икки йил олдин билган экан. Тахмин қилинишича, Москва расмийлари ушбу «муҳаббат» муносабатлардан собиқ раҳбарнинг самолёти ва Моника Ливинскаянинг уйига ўрнатилган эшитиш аппарати орқали вақти-вақти билан огоҳ бўлиб турган. Билл Клинтон бу хабарни Нидерландиядаги сафари давомида эшитиб, ҳайратда қолди.

### Шароннинг сирли



### мактуби

Исроил Бош вазири Ариэль Шарон Миср президенти Ҳусни Муборакка мактуб йўллади. Унда А.Шарон ўзининг минтақада тинчликка эришиш борасидаги қарашларини баён қилган. Бош вазир девонхонаси бошқа араб давлатлари раҳбарларига йўлланган мактублар мазмунини айтишдан бош тортмоқда. А.Шарон илгари Фаластин раҳбари Ёсир Арафотга юборган мактуби мазмуни тезда оммавий ахборот воситалари вакилларига етиб борганидан жиддий норози бўлган эди. Шу сабабли эндиликда девонхона ходимлари Бош вазир қаҳрига учрашдан чўчишмоқда.

### Ҳукумат ўзгармайди

Япониядаги партияларнинг Бош вазир Иосиро Морининг истеъфога чиқиш тўғрисидаги талаби кеча мамлакат парламентида кўриб чиқилди. Унга кўра, 243 нафар парламент аъзосидан 138 киши И.Морини ёқлаб овоз берди. Афтидан энди Япония Бош вазири олдингидай тинч фаолият кўрсатадиганга ўхшайди.



**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

*Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган ягона банкни биласизми?*

*Ҳа, тўғри топдингиз — бу*

**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ.**

**Айни шу банк сизга янги турдаги омонатларни таклиф қилади.**

***Янги асрда ҳаётбахш умидларингиз ҳақиқатга айланишида Халқ банкининг янги турдаги «Аср совғаси»*** *омонати яқин молиявий кўмакдошингизга айланади. Ушбу омонатга 5 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда биринчи кирим бадалларини қўйишингиз билан сақлаш муддатига мутаносиб равишда катта миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз.*

***«Аср совғаси» омонати — орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқаришдаги катта имконият!***

* * *

***Сиз Халқ банкида «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб жорий этилган «Бахтли болалик» мақсадли омонатига маблағ қўйиб, фарзандларингиз келажаги пойдеворини яратганингизга амин бўласиз.***

*Мазкур омонат фақат 2 ёшгача бўлган болажонлар номига очилиб, ҳар ойда камида 1000 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, кўз ўнгингизда улғаяётган фарзандингиз учун муносиб совға ҳозирлайсиз.* ***«Бахтли болалик» омонатига*** *белгиланган йиллик фоиз даромадлари қўшилиши билан бирга, фарзандингиз 16 ёшга етганда омонатнинг охирги қолдиғи 100 фоизга кўпайтирилиб берилади.*

***Омонатни муддати тўлмасдан олиш истаги туғилса, марҳамат.***
***Маблағларингизни фоиз даромадлари билан қайтариш биздан!***

* * *

***Сиз янги жорий қилинган «Кексалик гашти» мақсадли омонат турига*** *10 йил мобайнида ойига 1500 сўмдан маблағ қўйиб борсангиз, ўзингиз учун кексалик гаштини суришга замин ҳозирлаган бўласиз. Банк Сизнинг маблағларингизга ҳар йили даромад қўшиш билан бирга омонат муддати тугагач маблағингизни 100 фоизга кўпайтириб бериш мажбуриятини олади.*

***Омонатни муддатидан олдин олиш ҳам мумкин!***

*Сақлаш муддатига мутаносиб равишда даромадлар тўлаб бориш бизнинг вазифамиздир.*

**Сизни қизиқтирган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:**

**173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.**

**Янги асрда Халқ банки барча хайрли ишларингизда муваффақият ва фаровонлик ҳамроҳингиз бўлишини тилаб қолади!**

3894

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# Ўзбекистон: Юксак технологиялар ва интернет сари

даражасига кўтарди. 1993 йилдаёқ Ўзбекистон парламенти томонидан ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди. Орадан бир йил ўтиб ҳукумат республиканинг ахборотлаштириш концепциясини тасдиқлади, ўша йилнинг май ойида эса ЭҲМ ва маълумот базаларининг программаларини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган ғоялар амалиётга тадбиқ этила бошланди. Натижалар ҳам бор, бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий Smart Card технологиялари иштирокида банк соҳасининг электрон тўлов тизими ва маълумот узатиш телекоммуникацион тармоғи ишлаб турибди; сунъий йўлдош алоқаси кўмагида Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларни тезкор узатиш тармоқли инфратузилмаси орқали республика солиқ идоралари маълумотларини тайёрлашнинг ягона компьютер тизими йўлга қўйилган; Ўзбекистон аҳолисига паспорт тарқатишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилган ва ҳоказо.

Ўзбекистонда қабул қилинган 1999-2003 йилга мўлжалланган Интернет орқали маълумотлар узатиш миллий тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш дастурига кўра, республикадаги барча вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг Интернет тармоқларига маълумотлар узатиш Миллий тармоғи билан бирлаштириш орқали ягона ахборот макони яратилмоқда. Шунингдек, ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш, маълумот ва билим базаларининг компьютер лингвистикаси каби соҳаларни қамраб олган давлат илмий-техник дастури амалга оширилмоқда.

Ана шу ишларнинг ҳаммаси жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларнинг юксак технологиялар, шу жумладан, Интернетга бўлган иштиёқини оширишга қаратилган. Жумладан, мониторинг тадқиқотлари маълумотига кўра, сўнгги икки йил ичида мамлакатда Интернетдан фойдаланувчилар сони деярли тўрт марта ортган. Шунингдек, провайдерлар сони ҳам кўпайиб қолди. Ўтган йилнинг 1 июли маълумотларига кўра Ўзбекистонда 31 та провайдерлар рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 44 та. Телекоммуникацияларни ривожлантириш борасида ҳам мақташга арзигулик натижалар бор. Замонавий рақамли телефон алоқа тармоғининг ҳажми 35 фоиздан ошиб кетди. Ёки яна бир рақамни келтириб ўтиш мумкин: Ўзбекистонда 2000 километрга яқин шишали-оптик алоқа симлари ётқизилган.

Ўз навбатида, республика иқтисодиёти ҳамда кадрлар ўз имкониятларини шу тарзда рўёбга чиқариш палласига етиб келди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ўқув масканлари энг юқори стандартларга эга жиҳоз ва мосламалар билан таъминланиб келинмоқда. Республикадаги барча олий ўқув юртлари компьютерлар билан таъминланган ва Интернетга уланиш имкониятига эга. Шунингдек, кўпгина коллеж ва лицейлар, мактаб ва бошқа ўқув муассасалари ҳам компьютерларга эга. Уларнинг кўпчилигида махсус компьютер аудиториялари ва синфлари мавжуд. Ўзбекистоннинг ана шу эзгу мақсадлари қатор нуфузли хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, БМТ ва бир қатор халқаро молиявий ташкилотлар иштирокида Интернетни ривожлантириш бўйича бир қанча кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда юксак технологиялар билан ишловчи чуқур билимли кадрлар пайдо бўлди, компьютер программачиларининг анча кучли мактаби шаклланди. Энди Ўзбекистондаги программачилар ўз имкониятларини нафақат ички бозор учун, балки АҚШ, Германия, Франция, МДҲ мамлакатларидан келаётган буюртмаларни амалга оширишга ҳам сарфламоқдалар. Ҳайрон бўлиш ножоиз: Ўзбекистонда ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Юксак технологиялар бўйича мутахассислар Ўзбекистоннинг учта университетида энг замонавий услублар орқали ўқитиб келинади. Компьютер соҳасида билимга эга бўлиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастури кўзлаган асосий мақсадлардан бири. Истеъдодли ёшларнинг катта-катта гуруҳлари ҳар йили АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга юборилмоқда. Республиканинг ўзида эса ҳар йили умумий ҳисобда 400 минг талаба ўқишни битиради. Дарвоқе, Ўзбекистон аслида ёшлар мамлакати: аҳолининг ярмидан кўпи 25 ёшгача бўлган ёшлардан иборат ва уларнинг маълум қисми учун ҳозир Интернет-клублар, Интернет-кафелар, компьютер ўйинлари энг оммавий эрмаклардан бўлиб қолган. Интернет орқали баҳслар, ўйинлар ташкил этилмоқда. Кўпгина олий ўқув юртларида Интернет-лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда биринчи Миллий Интернет-фестивалига катта тайёргарлик кўрилди ва бугун А.Навоий номидаги театр биносида ушбу фестивалнинг якуний босқичи бўлиб ўтади. Фестиваль Ўзбекистон Президентининг матбуот хизмати ташаббуси билан ўтказилмоқда. Шунингдек, Интернет-фестивални ташкиллаштириш ишларида БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, Маданият ишлари вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания, eSezamCom Интернет портали (Франция-АҚШ) UZPAK миллий Интернет-компанияси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳам иштирок этдилар.

Фестиваль нафақат Ўзбекистон жамоатчилигини, балки хориж вакилларини ҳам қизиқтириб қўйди. Матбуотда ушбу фестивалнинг мақсад ва моҳияти, уни ўтказишга кўрилаётган тайёргарликлар ҳақида қатор мақолалар эълон қилинди, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрланди. Бугун фестиваль натижалари ҳақида гапириш ҳали эрта. Лекин шуни таъкидлаш керакки, фестивалга тайёргарлик жараёнида мамлакатимизда Интернет ресурслари 20 фоизга ошди, илгари ишламай турган сайтлар эса узлуксиз янгиланиб, фаоллаша бошлади. Фестивалнинг 17 йўналиши бўйича 164 иштирокчининг 213 та оригинал ишлари кўриб чиқилди. Фестивалга бўлган катта қизиқишни яна шунда ҳам кўрса бўладики, унга 16 та хорижий лойиҳалар ҳам тақдим этилди. Фестиваль ташкилотчилари ва ҳомийлари ғолиблар учун қимматбаҳо совға ва мукофотлар ҳозирлашди. Бугун А.Навоий номидаги опера ва балет катта театри биносида ана шу мукофотларни топшириш маросимига жамоатчилигимизнинг энг машҳур вакиллари, шунингдек, юксак технологиялар соҳасида катта билимга эга бўлган истеъдодли ёшларимиз тўпланишади.

Бир сўз билан айтганда, фестиваль Интернет-технологияларни ҳамда шу соҳа мутахассисларининг билим даражасини баҳолаш, жамоатчиликнинг юксак технологияларга бўлган қизиқишини орттириш имконини беради, Миллий ахборот тизимини шакллантириш бўйича амалга ошириладиган ишларда катта қадам бўлди. Энди эса фестиваль туфайли юзага келган юксак ижодий иштиёқдан унумли фойдалана билиш, янгидан-янги ва юқори сифатли ахборот ресурсларини яратиш, жаҳон Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сафларини янада кенгайтиришга эришмоқ лозим.




# «Насаф» чемпион бўладими?

14 март куни футбол бўйича мамлакат ўнинчи чемпионатининг иккинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди. Марказий учрашув, шубҳасиз, Тошкентда "Пахтакор" ва "Насаф" ўртасида кечди. Дастлабки турда мухлисларни қувонтирган пахтакорчилардан бу гал омад юз ўгирди. Қашқадарёлик чарм тўп усталарининг мезбонлар дарвозасига йўллаган иккита тўпи жавобсиз қолди.

Хўш, сафарда қаторасига икки ўйинни ғалаба билан якунлаган «Насаф» чемпион бўла олармикан? Тўғри, мавсум бошидан башорат қилиш бироз ноўрин. Лекин Баҳром Ҳакимов шогирдлари фақат олтин медални кўзлаб майдонга чиқаётгани сезилиб қолди. «Пахтакор» аламли мағлубиятга учраган бўлса-да, «Дўстлик», «Нефтчи» жамоалари сингари чемпионлик учун курашиши муқаррар. Уларнинг қайсиси маррага биринчи бўлиб етиб келиши эса кузда маълум бўлади. Демак, очколарни кузда санаймиз.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Металлург"-"Сурхон" 2:1, "Дўстлик"-"Қизилқум" 1:0, "Кимёгар"-"Бухоро" 0:1, "Зарафшон"-"Андижон" 5:1, "Турон"-"Нефтчи" 0:2.

Яна бир гап. Илк бор олий лигада иштирок этаётган "Академия"нинг чемпионатни ғалаба билан бошлагани бу йилги футбол мавсумида анчагина "сенсация"ларга, ажойиб футбол спектаклларига гувоҳ бўлишимиздан дарак беради. Баҳсларнинг қизигани яхши-да.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 26 февралдан 10 мартгача бўлган маълумот)***

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил 20 январдаги 1/6-сонли* «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2001 йил 27 февралда 906-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 9 мартдан кучга киради).***

2. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг* «Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан хорижда корхоналар тузиш ёки уларнинг устав фондлари (капиталлари)-да улушли иштирок этиши тўғрисида маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. *Низом ЎзР Марказий банки билан келишилган.*

***2001 йил 27 февралда 1012-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 9 мартдан кучга киради).***

3. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 7 февралдаги 18-сонли* «Марказлашган манбалар ҳисобига қурилаётган объектларни маблағ билан таъминлаш учун буюртмачининг ички заҳираларини сафарбар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи. *Йўриқнома ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган.*

***2001 йил 9 мартда 1013-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 19 мартдан кучга киради).***

4. *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 3-сонли, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг РА-01/8-10-сонли 2001 йил 15 февралдаги* «Товар бозорлари чегарасини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2001 йил 9 мартда 1014-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 19 мартдан кучга киради).***

5. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2001 йил 5 мартдаги 56-сонли* «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва МТПларга ажратилган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг миқдорларини етказиб бериш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи. *Низом ЎзР Молия вазирлиги, Макроиқтисодстат вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК, «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.*

***2001 йил 10 мартда 1015-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 мартдан кучга киради).***

6. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 14 февралдаги 20-сонли* «70-сон Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) «Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2001 йил 10 мартда 1016-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 мартдан кучга киради).***

7. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 14 февралдаги 19-сонли* «90-сон Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2001 йил 10 мартда 1017-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 20 мартдан кучга киради).***

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналар, фирма дўконлари, диллерлик тармоқлари ва консигнация омборларини очиш тартиби тўғрисида низом ва 1-сонли ўзгартириш. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Марказий банк билан келишилган. (1998 йил 28 майда 440-сон, 1998 йил 29 августда 440-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*

***2001 йил 27 февралда 27-сон буйруқ билан чиқарилди.***

2. Товар бозорлари чегарасини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган. (1996 йил 29 январда 219-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*

***2001 йил 9 мартда 29-сон буйруқ билан чиқарилди.***

**Мазкур меъёрий ҳужжатлар амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг* «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг Намунавий низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг* «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг Намунавий низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**Ушбу ҳужжатлар умумий мажбурий кучга эга эмас, шунинг учун улар ушбу вазирлик томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

1. *«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг* «Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблайдиган тижорат асбобларини ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тўғрисида низом. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тақдим этилган.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг* «20-сон Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти «Молиявий ҳисоботни аудиторлик текширишнинг мақсадлари ва умумий тамойиллари»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди.**

***V. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

1. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг* «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ходимлари ҳамда Молия вазирлиги тизими ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондлари маблағларини ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2. *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг* «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва чегирмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

3. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг* «Ароқ ва коньяк маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотларга қўшимча икки фоиз акциз солиғини ҳисоблаш ва кўрсатилган маблағларни «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

4. «Саноатконтехназорат» агентлиги назоратидаги корхоналар ва объектларда бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмаган авариялар ҳисобини техник текшириш бўйича йўриқнома. *«Саноатконтехназорат» агентлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби. *Давархитектқурилиш томонидан тақдим этилган.*

6. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг* «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш бўйича лицензия комиссиясининг шахсий таркиби ва улар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

7. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг* «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг назарда тутилмаган ҳаражатлари жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

8. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Банкларни рўйхатга олиши ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

9. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг* «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**
**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.**




# Кўкси қалқон ўғлонлар

## ёхуд жанговар машқ майдонидан репортаж

Россия телеканалларидан бири айрим ҳудудлардаги террорчилик ҳаракатлари ҳақида маълумот бера бошлади. Тинч, осойишта яшаётган элларга ҳавасимиз келади, дейди журналист микрофон тутган жабрланувчилардан бири. Бу ситамлар сабр косаларини тўлдириб юборганидан аҳоли қўшни давлатлардан паноҳ излашга мажбур бўлишаяпти...

Қуббаи ҳофизамни турли хаёллар чулғади. Тинчлик-осойишталикнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди-да. Шукрки, жаннатмакон юртимизда барқарорлик ҳукм сурмоқда. Хўш, у нималар эвазига бўлаяпти?

Мана, мен бамайлихотир юмшоқ ўриндиқда телевизор томоша қилаяпман. Лекин айни шу чоғда жасур ака-укаларим чегарада сергак турганини унутишга ҳаққим борми? Ватанимиз даҳлсизлигига раҳна солмоқчи бўлиб, тоғу тошлар орасидан суқулишга уринган қашқирлар билан йўлбарс янглиғ олишган, керак бўлса жонини берган йигитларимиз жасоратини-чи?

Сариосиё, Узун, Янгиобод... Қанчалик қаҳрамонликларга гувоҳ бўлмади дейсиз бу ҳудудлар. Таъбир жоиз бўлса, бундаги қаҳрамонликларнинг муаллифи халқимизнинг асл фарзандларидир. Душман очиқчасига урушса, у билан курашиш осон. Бироқ турфа ҳийла-найранг билан ярим кечаси писиб келса, посбонлардан икки карра сергаклик, киприк қоқмаслик талаб этилади. Ўзбекистонимизнинг юзлаб жасурлари, азаматлари, ботиру баҳодирлари ана шундай қийин шароитда ҳам ҳимояда мустаҳкам турдилар. Ва бундан кейин шундай туришади. Фақат бир туйғу уларни матонатга ундайди: орқада Ватаним бор, ота-онам, ака-укам, синглим, севгилим бор? Уларни ҳимоя қилиш эр-йигитнинг муқаддас бурчи!

Бурчни шараф билан адо этиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун аскарларимиздан доимий ҳушёрлик, кунда-кунора жанговар ўқув-машқларини ўтказиш талаб этилади.

* * *

“УАЗ” автомобили баланд-паст қирлар, тоғ этаклари бўйлаб юриб, сим тўсиқли жойга келиб тўхтади. Бу ернинг жанговар ўқув-машқ майдони эканлигини илғаш қийин эмасди.

— Бу тепаликдан туриб бутун ҳудудни кузатиш мумкин, — деди капитан Анвар Акбаров қўлидаги дурбинни менга узатаркан. — Разведка маълумотларига кўра, “душман”нинг ҳарбий техникалари ҳў-анави қир томондан кириб келиши мумкин.

Зум ўтмай Анвар ака ишора қилган томонда чанг кўтарилиб, қудратли техника шовқини қулоқни қоматга келтира бошлади. Бош штабдаги симсиз алоқа воситаларининг ишга киришиб кетганини айтинг. Ҳар бир дақиқада постлардан вазият ҳақида маълумотлар келиб тушаяпти. Барча бўлинмалар ўз вазифаларини аъло даражада бажаргани учун “душман” ҳамласи тезда бартараф этилиб, улар орқага қайтишди.

Шу билан тугадими, деган савол нигоҳида офицерларга юзландим.

— Бу шунчаки разведка эди, — дейди капитан Ортиқали Жўраев. — Асосий ишимиз қоронғу тушгандан сўнг бошланади. Тоғ этагидаги арчазорларни кўряпсизми? У ерда одам юриши жуда қийин. Жанг қилишку, янада мураккаб. Мана, харитага қаранг. Ғанимлар кириб келиши мумкин бўлган жойлар турли белгилар билан кўрсатилган. Йигитларимиз гуруҳларга бўлинган ҳолда шу ҳудудларни назорат қилишади.

Қоронғу тушишига ҳали анча бор. Фурсатдан фойдаланиб, тунгги “ўйин”га тайёргарлик кўраётган ҳарбийларни суҳбатга тортдим.

— Қайси газетаданман дедингиз, — гурунгни бошлади катта сержант Толиб Ражабов.

— “Халқ сўзи”дан.

— Мақолангиз қачон чиқади?

— Эртага.

— Эртага чиқса, бизнинг қишлоққа... Гап шундаки, мен Самарқанднинг Нурободиданман. Отам Эштўхта, онам Шакархонларга соғ-омонлигимни билдириб, салом йўлламоқчи эдим. Болам газетага чиқибди, деб ҳурсанд бўлиб юришади-да.

Толибжонни қанчалик қистамайин севгилисининг исмини айтмади. Унинг исмини ота-онам билмайди, сизга айтсам газетага ёзиб сиримни ошкор қилиб қўясиз дейди.

— Биз ҳарбийларни кўпчилик ташқи дунёдан узилган ҳолда тасаввур қилади, — дейди катта сержант Дониёр Раҳимов. — Аслида бундай эмас.



Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича махсус дарслардан ташқари, ўзимиз ҳам бўлаётган ўзгаришларни, янгиликларни кузатиб борамиз. Мана, янги тузилаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастур ва Низом лойиҳалари хусусидаги муҳокамаларни телевидение орқали кўряпмиз, матбуотда ўқияпмиз. Баъзи таклифларни ҳам айтишим мумкин.

Масалан, Низом лойиҳасида ҳаракат аъзолиги ҳақида гап кетганда **ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган ёшлар қабул қилинади,** дейилган. Менимча, буни сал ўзгартириш керак. “Камолот” тарбияси оғир ёшларни таркибига аъзо қилиб, уларни спортга, жамоат ишларига жалб қилиш билан ҳам шуғулланса яхши бўларди.

— Тўғри, — дейди гурунгимизни тинглаб ўтирган старшина Шукур Обидов. — “Камолот” фақат ўрнак бўладиган ёшлар билан ишласа, иродаси бўш ёшлар яна эътибордан четда қолиб турли оқимлар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Ҳаракат аъзолари орасида етакчилар бўлади дейишяпти. Менга қолса, шу етакчиларни мана бизнинг йигитларга ўхшаб Ватан мустақиллиги, тинчлиги учун кураша оладиган ёшлардан қўярдим. Ватанпарварлик ҳақида, бундай юксак туйғуни шакллантириш тўғрисида сўз очганда “Табиб табиб эмас, бошидан кечирган табиб” деган халқ нақлини ёддан чиқармаслик керак. Айтмоқчиманки, ёшлар билан ишлайдиганлар бир даврада (учрашувларда, дарсларда) Ватан ҳимояси, ривожи ҳақида тил учида сўзлаб, кўчага чиққач ғийбат қилмасин. Олдин бу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тушунсин, шу Мустақиллик учун қанча инсонлар кўксини қалқон қилаётганини мулоҳаза қилсин...

— Сафланинг!

Бўлинма сардори майор Ҳайдар Абдиевнинг жарангдор овозини эшитган аскарлар сапчиб ўринларидан туриб, бир чизиққа тизилишди. Сардор бўлинмани бир нечта гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга бошлиқ тайинлади. Ҳар ярим соатда ахборот бериш лозимлигини ҳам уқтирди. Гуруҳлар топшириқни олгач, белгиланган ҳудуд томон йўл олишди.

Аммо майор Абдиевнинг бош штаб томон кетганини кўрган Толибжон югуриб орқага қайтди.

— Ҳайдар акамиз “Жасорат” медали билан тақдирланди. Бизнинг номимиздан газетада табриклаб қўйишнинг иложи борми, — деди ёнимга келиб. Албатта-да, деган жавобни эшитгач, мамнун ҳолда ўз гуруҳи томон шошиларкан яна қўшиб қўйди.

— Қаттиққўл бўлса ҳам жуда яхши одам. Биз жуда кўп нарса ўрганганмиз у кишидан.

Суриштириб билсам, ҳозиргина мен билан суҳбатлашган йигитларнинг кўпчилиги кўрсатган жасорати, мардлиги учун Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган экан. Уларнинг икки нафари “Шон-шараф” ордени, беш нафари “Жасорат” медали билан тақдирланишибди.

Ўқув машғулотларида қатнашган бир нечта хорижий ҳарбийлар эътиборимни тортди.

— АҚШлик ҳамкасбларимиз билан бир неча йилдан бери ҳарбий муҳандислик, тоғ тактик машқлари, ярадор аскарга мавжуд вазиятдан келиб чиқиб биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилаяпмиз, — дейди капитан Акбаров. — Чет эл армиялари тажрибаларини ўрганиб таҳлил қилиш яхши самара беради.

Тун ярмидан ошди. Бош штабдаги алоқа воситалари яна жунбушга келди:

— Лочин, лочин мен бургутман. 27,75 квадратдаги арчазорлар орасида шарпалар кўраяпман.

Зим-зиё тун бўлса, шунча олисдаги “душман”ларни қандай илғади экан аскарлар, деган савол туғилади.

— Чунки улар тунги кўриш асбоблари билан таъминланган, — дейди Анвар ака. — Қувончлиси, сергак йигитларимиз замонавий ускуналарсиз ҳам вазиятни тўғри баҳолаш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда деб айта оламиз.

Жанговар ўқув-машқ майдонидан қайтар эканман, сим тўсиқлар, турли белгилар қўйилган хариталар, тунги кўриш ускуналарию қудратли ҳарбий техникалар, ҳар қандай шароитда топшириқни бажаришга шай аскарлар кўз олдимдан яна бир-бир ўта бошлади. Айниқса, Толибжоннинг севгилиси кимлигини айтмай қиқир-қиқир кулганини айтинг. Майли, бугун бўлмаса эртага айтади. Ёр-ёр билан келин келади. Тўйга не етсин. Бундай ўйлаб қарасангиз Толибжон ҳам, унинг дўстлари ҳам элимизда шундай тўйлар бўлиши, ҳаётимиз осойишта кечиши учун кунни тунга улаб жанговар шайликда туришибди. Мардлар қўриқлайди Ватанни дегани шу эмасми аслида. Нима дедингиз?

**Озод РАЖАБОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

Санъатимиз юлдузлари



***Табиат... Яратганнинг буюк инъоми... Башар аҳлига у нималарни раво кўрмайди, нималарни ҳадя этмайди дейсиз. Бундан қарийб тўқсон йил аввал ҳам у ўзбеклар заминига бир ноёб иқтидорни, нафосат дурдонасини ҳадя айлади. Бу — эндиликда миллий саҳна маданиятининг машҳур намояндаси, хонандалик санъатимизнинг ноёб овозли «Ҳофизабегими» Ҳалимахоним Носировадир.***

# Давримизнинг буюк Ҳофизабегими

Мозийда ватандош аёлларимиз силсиласида «бегим» нисбати ила, эъзозланишга сазовор бўлганлар бир қатор эди — Тумарисбегим, Зебунисобегим, Нодирабегим... Аммо, сўнгги асргача, заминимизнинг бирор-бир аёлига «Ҳофизабегим» нисбати насиб этмаганди.

Ўзбекнинг булбул овозли хонандаси, жаҳонга довруғ таратган, санъат мухлисларининг таҳсинини қозонган қўшиқбардорни эл ўзининг «Ҳофизабегим»и дея атади.

Республикамиз маданий тараққиёти босқичлари тарихига назар ташларканмиз, унинг ҳар бир зарварағида Ҳалимахонимнинг муборак номини учратиш мумкин. 20-йиллардаги хотин-қизлар озодлиги учун олиб борилган ҳаракат; миллий мусиқий драмамиз тетапоя қилаётган паллалар; Фарғона, Тошкент, Лағон каналларини, Фарҳод ГЭСини бунёд этиш дамлари ана шулар жумласидандир. У катта санъаткоргина эмас, миллий санъатимиз сарчашмаларидан баҳра олиб, саҳнага отилиб чиққан, айниқса опера театрига одим ташлаб кириб келган қалдирғоч-ижодкор.

Ҳалима Носирова 1913 йилда Қўқон яқинидаги тоғли қишлоқда туғилиб ўсди. Отаси оддий косиб бўлса-да, дуторни яхши чертарди. «Қиблагоҳимиз санъатни жуда яхши кўрганларидан, хонадонимизда ҳофизлар, халқ созандалари тез-тез бўлиб туришарди. Ўша пайтларда машҳур бўлган Адолчахоним бизнинг шажарага пайванд эдилар. Мен бу хушрўй овозли хонанда ижросидаги «Ёввойи тановар»ни бутун жисмим қулоқ бўлиб тинглардим, хонандаликка меҳримни уйғотган, қўшиқчиликда дастлаб танглайимни кўтарган ҳам мана шу муҳтарама хонанда бўладилар», — дея хотирлайди хонанда.

Ота вафотидан сўнг волидаси Хосиятхон Ҳалимани сингиллари билан Қўқонга олиб келди ва қизалоқ болалар уйида тарбияланиб, ўқиди. Шу ерда у театрга ихлос қўйди. Миршоҳид Мироқилов, Муҳиддин Қори- Ёқубов, Тамарахоним, Лутфихонимлар санъати билан танишди, Ҳамза асарларини томоша қилди.

Мана шу қизиқиш уни Тошкентга олиб келди. Бу ерда уни Бокудаги театр билим юртига юборишди.

Ўқишни битириб, Озарбойжондан ватанига қайтгач профессионал актриса сифатида ўз фаолиятини ҳозирги Ҳамза номли театрда бошлади. У пайтларда театр наинки драматик постановкалар, балки мусиқий драма ва комедияларни ҳам намойиш этарди.

Ёш актриса бу вақтларда бир кун драматик спектаклларда роллар ижро этса, иккинчи куни мусиқий асарларда образлар яратарди. Айниқса биринчи халқаро театр Олимпиадасида намойиш этилган мусиқий драмада ижро этган роли уни етук театр ташкилотчиси Константин Станиславкий, Владимир Немерович-Данченко каби намояндалар назарига туширди.

Кучли ва жозибали, ўткир ва таъсирчан, ширали ҳамда кенг диапазонли овозга, беқиёс маҳоратга эга бўлган машҳур ўзбек хонандаси миллий хонишни санъатимиз ютуқларини қатор хорижий юртларда ҳам кенг таратди — Ҳалимахонимнинг беназир санъатини, ижродаги зебо жилоларини, фалакка етадиган авж пардаларини Бирма, Миср, Ливан, Эрон, Хитой, Канада, Ҳиндистондаги санъат мухлислари ҳам олқишлаганлар.

Элимизда бирон-бир хонадон йўқки, Ҳалимахоним ўзининг «Меҳнат аҳли», «Ўзбек қизининг овози», «Баёт»у «Ушшоқ», «Чоргоҳ» каби сара, мумтоз қўшиқлари билан кириб бормаган бўлсин... Унинг санъатдаги издошлари, шогирдлари ҳам талайгина, ўзи эса кўп йиллар санъат билимгоҳларида ҳамижрочилик маҳоратидан дарс берди.

Халқ ўзининг ардоқли санъаткорини, суюкли машҳур хонандасини, юксак эъзозлади — унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилди. Ҳалима Носирова давлат мукофотларининг ҳам совриндоридир. Ҳалимахоним Ўзбекистон Президентининг Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. «Мен ҳаётимда, ижодий фаолиятим мобайнида, қатор мукофотларга сазовор бўлганман. Аммо мустақил республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг фармони-ла бунингдек орден билан тақдирланиш мен учун ниҳоятда юксак, қадрли ва энг муқаддас мукофотдир», дейди бугунги кунимизнинг буюк Ҳофизабегими...

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,**
**театршунос олим.**


ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИ УЧУН БАҲОР БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ҚУЙИДАГИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚЎЙИЛМАНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

“Наврўз” қўйилмаси — пуллар йилига 70% даромад тўлаш шарти билан 12 мартдан 23 мартгача (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.

1991 NBU 2001
National Bank of Uzbekistan

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафолатдир.

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали: (99871) 1376283, 1376281 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

3846


Тошкент вилояти Кўз микрохирургия маркази жамоаси Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг режалаштириш бўлими бошлиғи Раиса Саримсоқовага умр йўлдоши **Жусуп МУҲАМАДЖАНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси физика-математика фанлари доктори, профессор А.Йўлдошевга сингиллари **Дилбархон ва Эътиборхон ЙЎЛДОШЕВАларнинг** фожиали вафотлари муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институт бўлим мудири Т.Тиллаевга рафиқаси **Эътиборхон ЙЎЛДОШЕВАнинг** фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Шаҳарлараро алоқа қурилиши акциядорлик жамиятининг 4-қурилиш монтаж бошқармаси жамоаси «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятининг раиси Абдунаби Тоғайалиевга умр йўлдоши **Дилбар ЙЎЛДОШЕВА** ва унинг синглиси **Эътибор ЙЎЛДОШЕВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзавтойўл» Давлат акционерлик концернига қарашли Республикадаги объектлар қурилиши бирлашган дирекцияси жамоаси етакчи мутахассис Қундуз Одилхўжаевага онаси **Зумрад СУЛТАНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон маркаси» АЖ жамоаси, «Алоқаинвест» АЖ раиси Абдунаби Тоғайалиевга рафиқаси **ДИЛБАРнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2215, 32643 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди —21.35*
1 2 3 4 5 6